

ISSN: 2181-9416



ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ХУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA

научная электронная
библиотека
eLIBRARY.RU

ISSN 2181-9416
Doi Journal 10.26739/2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

1 СОН, 4 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 1, ВЫПУСК 4

LAWYER HERALD

VOLUME 1, ISSUE 4



TOSHKENT-2025

Мундарижа

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ. МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

1. ТУРДИЕВ Бобир Собирович	
ҚУЛАЙ АТРОФ-МУҲИТГА БЎЛГАН ҲУҚУҚ: ЭКОЛОГИЯГА ОИД ҶАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШДА ЖАМОАТЧИЛИК ИШТИРОКИ МАСАЛАЛАРИ.....	8
2. РАХМОНОВ Зафаржон Зайниддинович	
ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИ	21

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ҲУСУСИЙ ҲУҚУҚ

3. КАМАЛОВ Мансурхон Мухтарович	
КОРПОРАТИВНЫЕ ПРАВООТНОШЕНИЯ: ОСОБЕННОСТИ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ И ОТВЕТСТВЕННОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ	26
4. САИДОВ Мақсудбек Норбоевич	
МЕРОСХҮР (ҲУҚУҚИЙ ВОРИС)НИНГ МАСЬУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТДАГИ УЛУШГА НИСБАТАН ҲУҚУҚИ: МАВЖУД МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР	35

СУД ҲОКИМИЯТИ. ПРОКУРОР НАЗОРАТИ. ҲУҚУҚНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

5. КОМИЛОВ Авазбек Бокижонович	
ПРОКУРОР ҲУҚУҚИЙ ВОСИТАЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАҲЛИЛИ ...	42

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ. КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

6. TO'RABAYEVA Ziyoda Yakubovna	
О'zbekiston RESPUBLIKASIDA VOYAGA YETMAGANLARNI JINOIY JAVOBGARLIK VA JAZODAN OZOD QILISHGA OID QONUNCHILIKNI TAKOMILLASHTIRISH	50
7. АТАКУЛОВ Бекзод Абдухалил угли	
КЛАССИФИКАЦИЯ И МЕТОДИКА ВЫЯВЛЕНИЯ КИБЕРПРЕСТУПЛЕНИЙ.....	58
8. БОБОМУРОДОВ Фарход Боймуротович	
ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР ТАҲЛИЛИ.....	65

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

9. ЮЛДАШЕВА Говхержан	
МЕЖДУНАРОДНЫЕ СТАНДАРТЫ В СФЕРЕ БОРЬБЫ С ПЫТКАМИ И КОНСТИТУЦИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН.....	76

10. RAKHMANOV Shukhrat	
LEGAL STATUS AND DIPLOMATIC IMMUNITIES OF THE EUROPEAN UNION DELEGATION IN UZBEKISTAN: CURRENT ASPECTS	81
11. URINBOYEV Rustamjon	
MIGRATION, GENDER AND LEGAL CULTURE: CENTRAL ASIAN LABOUR MIGRANTS IN RUSSIA.....	87
12. РАХИМОВА Муаттара Абдусаттаровна	
ГЕНЕЗИС ПОНЯТИЙНОГО АППАРАТА «МЕЖДУНАРОДНАЯ ОРГАНИЗАЦИЯ».....	97
13. БАРАТОВ Миродилжон Хомуджонович, ХАКИМОВ Равшан Тулкунович, АКРАМХОДЖАЕВ Бори Тохтаходжаевич	
НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ВСТУПЛЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА ВО ВСЕМИРНУЮ ТОРГОВУЮ ОРГАНИЗАЦИЮ	110
14. РАСУЛОВ Журабек Абдусамиевич	
ХАЛҚАРО МИГРАЦИЯНИ БОШҚАРИШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТУЗИЛМАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БОРАСИДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР.....	120

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

СУД ҲОКИМИЯТИ. ПРОКУРОР НАЗОРАТИ.
ХУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

КОМИЛОВ Авазбек Бокижонович

Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси
кафедра бошлиғи, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
E-mail: komilov02011985@gmail.com

ПРОКУРОР ҲУҚУҚИЙ ВОСИТАЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАҲЛИЛИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): КОМИЛОВ А.Б. Прокурор ҳуқуқиий воситаларининг миллий ҳуқуқиий асослари таҳлили // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2025) Б. 42-49.



1 (2025) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2025-1-5>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола прокурор ҳуқуқиий воситаларининг миллий ҳуқуқиий асослари таҳлилига бағишиланган. Муаллифнинг қарашларига кўра, прокурор ҳуқуқиий воситаларига оид нормалар Ўзбекистон Республикасининг қонун ва қонуности ҳужжатлари, Бош прокуратурада хизматда фойдаланиладиган ҳужжатлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ҳайъатларининг қарорларида баён этилган. Шу билан бирга, миллий қонунчилик ва идоравий ҳужжатларида прокурор ҳуқуқиий воситалари ҳар томонлама ва тўлақонли тартибга солинмаган бўлиб, узоқ муддатли истиқболда прокурор ҳуқуқиий воситаларини тартибга солишга қаратилган маҳсус қонун ёки Бош прокурорнинг алоҳида соҳавий буйруғи қабул қилинишига зарурат туғдиради.

Калит сўзлар: ҳуқуқиий асос, прокурор назорати, прокурор ҳуқуқиий воситалари, соҳавий буйруқ, прокурор назорати ҳужжатлари, прокурор текшируви.

КОМИЛОВ Авазбек Бокижонович

Начальник кафедры Правоохранительной академии Республики Узбекистан,
доктор философии (PhD) по юридическим наукам, доцент
E-mail: komilov02011985@gmail.com

АНАЛИЗ НАЦИОНАЛЬНО-ПРАВОВЫХ ОСНОВ ПРАВОВЫХ СРЕДСТВ ПРОКУРОРА

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена анализу национально-правовых основ правовых средств прокурора. По мнению автора, нормы о правовых средствах прокурора закреплены

в законах и подзаконных актах Республики Узбекистан, в служебной документации Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, а также в решениях коллегий органов прокуратуры Республики Узбекистан. В то же время, в национальном законодательстве и ведомственных документах правовые средства прокурора не урегулированы комплексно и в полном объёме, что создаёт необходимость принятия специального закона или отдельного отраслевого приказа Генерального прокурора, направленного на регламентацию правовых средств прокурора в долгосрочной перспективе.

Ключевые слова: правовая основа, прокурорский надзор, правовые средства прокурора, отраслевой приказ, акты прокурорского надзора, проверка прокурора.

KOMILOV Avazbek

Head of Department of the Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan,
doctor of Philosophy (PhD) in Law, Associate Professor
E-mail: komilov02011985@gmail.com

ANALYSIS OF THE NATIONAL LEGAL BASIS OF THE PROSECUTOR'S LEGAL MEANS

ANNOTATION

This article is devoted to the analysis of the national legal foundations of the prosecutor's legal means. According to the author, the norms regarding the prosecutor's legal means are enshrined in the laws and regulations of the Republic of Uzbekistan, documents used in the service of the General Prosecutor's Office, and in the decisions of the boards of the prosecutor's offices of the Republic of Uzbekistan. At the same time, in the national legislation and departmental documents, the prosecutor's legal means are not comprehensively and fully regulated, which creates the need for adopting a special law or a separate sectoral order of the General Prosecutor aimed at regulating the prosecutor's legal means in the long-term perspective.

Keywords: legal basis, prosecutorial supervision, prosecutor's legal means, sectoral order, acts of prosecutorial supervision, inspection of the prosecutor.

Қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятида қўлланиладиган прокурор ҳуқуқий воситаларининг ҳуқуқий асосларини таҳлил этиш ушбу воситаларни тартибга солиш ҳамда уларни амалиётда тўғри ва аниқ қўлланилишини таъминлашга хизмат қиласди.

Маълумки, қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятида қўлланиладиган прокурор ҳуқуқий воситаларининг энг муҳим ва бирламчи ҳуқуқий асоси бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ҳисобланади. Прокурор ҳуқуқий воситаларига оид асосий ва умумий аҳамиятдаги нормалар Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида", "Сиёсий партиялар тўғрисида", "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида", "Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида" ва "Нодавлат-нотижорат ташкилотлар тўғрисида"ги қонунларида ўз аксини топган.

Энг аввало, қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш бўйича прокурор фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш маҳсус ҳуқуқий ҳужжат сифатида "Прокуратура тўғрисида"ги Қонун билан қамраб олинади ва бошқа қонунларда прокурор назоратини амалга ошириш учун алоҳида кўрсатма берилиши талаб этилмайди. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунига назар ташлаш асносида унда қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятида қўлланиладиган айрим прокурор ҳуқуқий воситалари, жумладан прокурор текшируви ва прокурор назорати ҳужжатларига доир фундаментал нормалар мавжудлигини кўриш мумкин. Жумладан, Қонуннинг 21-моддасига асосан, қонунлар ижросини текшириш қонунларнинг бузилаётганлиги тўғрисидаги аризалар ва бошқа маълумотлар асосида, шунингдек қонунийлик прокурор томонидан чоралар кўрилишини талаб қиласди ҳолатда эканлигидан келиб чиқсан ҳолда қонунда белгиланган тартибда ўтказилади.

Шунингдек, Қонуннинг 2-боб 25-моддасида фуқаронинг хуқуқлари ҳамда эркинликларириоя этилиши устидан назорат йўналишида прокурорнинг ваколатлари кўрсатилган бўлиб, унга кўра, прокурор ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажара бориб фуқаронинг хуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги тўғрисидаги аризалар, шикоятлар ҳамда бошқа маълумотларни кўриб чиқиши ва текшириши белгиланган. Фуқаронинг хуқуқ ва эркинликларининг бузилишини жиноий хусусиятга эга деб билиш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда прокурор жиноят иши қўзғатади ҳамда уни содир этган шахслар қонунга биноан жиноий жавобгарликка тортилишига доирchorаларни кўради. Фуқаронинг хуқуқ ва эркинликларининг бузилиши маъмурий хуқуқбузарлик хусусиятига эга бўлган ҳолларда прокурор маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатади ёки зудлик билан хуқуқбузарлик тўғрисидаги маълумотни ва текширув материалларини маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиши ваколатига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга беради[1].

Қонуннинг V бўлим 37-42-моддалари тўлиғича прокурор назорати хужжатларига бағишлиланган бўлиб, ушбу моддаларда прокурор назорати хужжатларининг турлари, уларни қўллаш, кўриб чиқиш тартиби ва кўриб чиқиш натижалари тўғрисида прокурорга маълум қилиш билан боғлиқ муддатлар ҳамда талаблар ўз аксини топган.

Айрим прокурор хуқуқий воситалари ҳақидаги нормалар баён этилган қонунлардан яна бири – Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни ҳисобланади. Мазкур Қонунда Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким қабул қилган ҳамда чиқарган хужжатлар устидан протест келтиришга оид нормалар назарда тутилган. Чунончи, Қонуннинг 28-29-моддаларига асосан, Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким томонидан қабул қилинган ҳамда чиқарилган хужжатлар устидан фуқаролар, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан суд тартибида шикоят қилиниши, шунингдек прокурор томонидан протест келтирилиши мумкин[2].

Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”, “Нодавлат-нотижорат ташкилотлар тўғрисида” ва “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунларида сиёсий партиялар, диний ташкилотлар, нодавлат-нотижорат ташкилотлар фаолиятини тўхтатиб туриш ва тугатиш жараёнида прокурор хуқуқий воситалари, яъни тақдимнома киритиш билан боғлиқ хуқуқий нормалар қайд этилган.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасида кўрсатилишича, сиёсий партия Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини, ушбу Қонунни, бошқа қонунчилик ҳужжатларини ёки ўз уставини бузган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қонунчиликнинг ёки уставнинг қайси нормалари бузилганлигини кўрсатган ҳолда бу хусусда партия раҳбар органларига ёзма тарзда хабар қилади ва бундай бузишларни бартараф этиш учун муддат белгилайди. Агар бузишлар белгиланган муддат давомида бартараф этилмаса, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий суди сиёсий партияниң фаолиятини олти ойгача муддатга тўхтатиб туриши мумкин. Қонуннинг 11-моддасига кўра, сиёсий партия ушбу Қонун 3-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган хатти-ҳаракатларни (конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўйиш; Ўзбекистон Республикаси суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларининг конституциявий хуқуқ ва эркинликларига қарши чиқиш; урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилиш ва ҳ.к.) содир этган ҳолларда ёки ўз фаолияти тўхтатиб қўйилганидан сўнг бир йил муддат ичida ўша хатти-ҳаракатларни такрор содир этган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг қарори билан фаолияти тугатилади[3].

Шунга ўхшаш нормалар Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат-нотижорат ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуннинг 34-моддаси ҳамда “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуни 25-моддасида ҳам мавжуд.

Қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятида қўлланиладиган прокурор хуқуқий

воситаларининг кейинги муҳим хуқуқий асоси сифатида Ўзбекистон Республикасининг кодексларини алоҳида қайд этиш лозим бўлади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва Сайлов кодексида прокурор ҳуқуқий воситаларидан баъзиларига оид нормалар учрайди.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 275-моддасида маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш чоғида қонунларнинг ижроси устидан назоратни амалга оширишда қўлланиладиган прокурор ҳуқуқий воситалари: маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатиш; иш юритиш вақтида органлар (mansabdor shaxslar)нинг ҳаракатлари қонунийлигини текшириш; маъмурий хуқуқбузарликлар учун тегишли органлар (mansabdor shaxslar) таъсир кўрсатиш чораларини тўғри қўлланганлигини текшириш; маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қабул қилинган қарорга ёки шикоят юзасидан чиқарилган қарорга протест келтириш кўрсатилган[4].

Шу каби Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексида ҳам прокурор ҳуқуқий воситаларидан тақдимномага оид нормалар баён этилган. Мисол учун, кодекснинг тегишлича 20 ва 20¹-моддаларда ҳудудий сайлов комиссияси туман, шаҳар, округ ва участка сайлов комиссияларининг қарорлари ушбу Кодексга зид бўлса, ушбу қарорларни мустақил равища ёки вилоят, туман, шаҳар прокурорининг тақдимномасига биноан бекор қилиши; туман, шаҳар сайлов комиссияси агар участка сайлов комиссияларининг қарорлари ушбу Кодексга зид бўлса, ушбу қарорларни мустақил равища ёки туман, шаҳар прокурорининг тақдимномасига биноан бекор қилиши қайд этилган[5].

Таъкидлаш жоизки, қонулар ижроси устидан назорат фаолиятида қўлланиладиган прокурор ҳуқуқий воситаларининг ҳуқуқий асослари орасида қонун ости ҳужжатлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари алоҳида ўрин эгаллайди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 февралдаги ПҚ-138-сон Қарорининг 1-бандига кўра, ер участкаларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида назоратни янада кучайтириш мақсадида прокуратура органлари зиммасига маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон – “E-qaror” тизимини доимий равища мониторинг қилиш ҳамда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган қарорларга нисбатан таъсир чораларини кўриб бориш вазифаси юклатилган. Қарорнинг 5-бандига биноан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ер муносабатларига доир ҳужжатлари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида Бош прокуратуранинг Ер ресурслари талон-торож қилинишининг олдини олиш бошқармаси Адлия вазирлиги билан биргаликда “E-qaror” электрон тизими орқали маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ер муносабатларига доир ҳужжатларини доимий равища мониторинг қилиб бориб, натижаларига кўра қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган қарорлар юзасидан дарҳол прокурор таъсир чоралари қўлланилишини таъминлайди[6].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 майдаги ПФ-77-сон Фармони билан ёқилғи-энергия ресурсларидан фойдаланиш устидан давлат назоратини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика (*штаб раҳбари – Бош прокурор ўринбосари*), ҳудудий ва туман (шаҳар) штаблари ташкил этилиб, уларга бир қатор асосий вазифалар юклатилган. Ушбу Фармоннинг 5-бандига кўра, ёқилғи-энергия ресурсларидан фойдаланиш соҳасида қонун бузилиши ҳолати содир этилаётганлиги ёки фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларига, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манбаатларига зарар етказилаётганлиги аниқланганда, прокуратура органлари томонидан давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларига қонун бузилишини зудлик билан бартараф этиш тўғрисида талабнома киритилади. Аҳамиятлиси, айнан мазкур Фармонга биноан, Бош прокуратура томонидан 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб, қонулар, шу жумладан ёқилғи-энергия ресурсларидан фойдаланиш соҳасида қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати тадбирлари ҳамда уларнинг

натижаси бўйича қўлланилган прокурор назорати хужжатларининг ягона базаси юритиладиган «Прокурор назорати» ахборот тизими жорий этилиши таъминланган[7].

Бундан ташқари, қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятида қўлланиладиган прокурор ҳуқуқий воситаларининг ҳуқуқий асослари бўлиб Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида хизматда фойдаланилдиган хужжатлар ҳам хизмат қилади. Бунда, биринчи навбатда, ташкилий-бошқарув йўналишидаги хужжатлар тоифасига киравчи Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари алоҳида аҳамият касб этади ва улар ҳуқуқий асосларнинг муҳим таркибий қисмини ташкил этади. Чунки, “прокуратура томонидан ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолиятининг асоси қонунлар билан, унинг батафсил тартибига солиниши эса прокуратуранинг ўз норматив хужжатлари билан ўрнатилади”[8, Б.203].

Бугунги кунда қонунлар ижроси устидан назорат йўналишига тааллуқли Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 139-сон, 2017 йил 7 ноябрдаги “Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги 160-сон, 2017 йил 24 ноябрдаги “Ижтимоий ва иқтисодий қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 166-сон, 2017 йил 5 декабрдаги “Ишларни ташкиллаштириш, ижро интизомини янада мустаҳкамлаш ва таҳлилий фаолият самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 172-сон каби буйруқларида мазкур йўналишда қўлланилдиган прокурор ҳуқуқий воситалари билан боғлиқ нормалар ва талаблар баён этилган.

Хусусан, бу борада Бош прокурорнинг юқорида қайд этилган 172-сон буйруғи ва ушбу буйруқ билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Регламенти ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураларининг намунавий регламенти ўзига хос ўрин тутади. Масалан, Регламентга кўра, текширишлар Бош прокуратура ва таркибий тармоқлар иш режалари, ҳайъат қарорлари, Бош прокуратура раҳбарияти кўрсатмалари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, қонунбузишлилар ҳақидаги маълумотлар, оммавий ахборот воситаларининг хабарлари ҳамда қонунчиликда назарда тутилган бошқа асосларга мувофиқ ўtkaziladi. Текширишнинг йўналишидан қатъи назар, бу обьектда қабул қилинаётган ҳуқуқий хужжатларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг ҳал қилиниши ҳамда юридик хизмат фаолияти самарадорлигини ўрганишга комплекс ёндашиш талаб қилинади.

Регламентда кўрсатилган талабларга асосан, прокурор назорати хужжатлари, аввало, қонунбузишлиларни бартараф этиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш, уларнинг асл сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитларга келгусида йўл қўйилмаслигига қаратилган бўлиши лозим. Тайёрланган ҳар бир прокурор назорати хужжати прокуратура органларида иш юритиш тартибига амал қилинган ҳолда сана қўйилиб, рўйхатга олиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 166-сон буйруғида ҳам прокурор текшируви ва прокурор назорати хужжатларига доир қатор талаблар баён этилган. Хусусан, буйруқка кўра, ижтимоий ва иқтисодий қонунчилик ижроси устидан назоратни ташкил этиш соҳасида назорат тадбирларининг ҳар томонлама, тўла ва холисона ўtkazilganligi, ҳуқуқбузарликларнинг асл сабаблари, бунга имкон бераётган шарт-шароитлар аниқланганлиги, қўлланилган прокурор назорати хужжатларининг асослилиги, сифати ва таъсирчанлиги прокурорлар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири этиб белгиланган.

Шунингдек, прокурорлар томонидан назорат органлари фаолияти устидан назорат кучайтирилиб, ҳар ярим йилда камидан бир маротаба атрофлича текширилиши, назорат остидаги давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинган ҳуқуқий хужжатлари, шу жумладан тадбиркорлик

субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш ҳақидаги қарорлари ҳар чорақда ўрганиб борилиши, қонунга зид ҳужжатларнинг бекор қилиниши ёки қонун талабларига мувофиқлаштирилишига эришишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида хизматда фойдаланиладиган ҳужжатлардан ижроси барча прокуратура органлари учун умуммажбурий бўлган ҳужжатлар тоифасига кирувчи кўрсатма ва танбеҳ, ахборот-услубий ва таҳлилий хусусиятидаги ҳужжатлар тоифасига кирувчи йўналтирувчихатларҳам прокурор ҳуқуқий воситаларини тартибга солишда муҳим услубий ва амалий аҳамиятга эга саналиб, ушбу ҳужжатларда прокурор ҳуқуқий воситалари, жумладан текшириш ўтказиш, прокурор назорати ҳужжатлари қўллашнинг белгиланган тартибига қатъий риоя этиш, назорат ҳужжатларини тайёрлаш ва қўллашда қонунчилик талабларига тўлиқ ва сўзсиз амал қилиш тўғрисида қатор талаблар ўз аксини топган.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 августдаги ПФ-198-сон Фармонига асосан қабул қилинган Бош прокурорнинг 2022 йил 31 августдаги кўрсатмасига асосан, ер участкаларига бўлган ҳуқуқнинг вужудга келиши учун асос бўлган ҳужжатларни, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларга мулк ҳуқуқи билан тегишли бўлган бино ва иншоотлар, транспорт воситаларидан фойдаланиш соҳасида – мулкий ҳуқуқлар вужудга келиши учун асос бўлган маъмурий ҳужжатларни бекор қилиш ҳақида протест келтириш амалиёти бекор қилинган. Келгусида, назорат тадбирларида аниқланган мулк дахлизлиги ва ерни тасарруф этиш билан боғлиқ барча кўринишдаги ноқонуний маъмурий ҳужжатларни бекор қилиш ёки ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида белгиланган тартибда судларга ариза киритиш амалиётидан кенг фойдаланиш тўғрисида алоҳида кўрсатма берилган.

Ёки, Бош прокуратура томонидан 05.08.2022 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар прокурорларига юборилган йўналтирувчи хатда аниқланган камчиликларни бартараф этиш, келгусида йўл қўймаслик чораларини кўриш ҳамда соҳада прокурор назорати самарадорлиги ва таъсирчанлигини янада ошириш мақсадида:

- қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш, текшириш ўтказиш, назорат ҳужжатлари қўллашнинг белгиланган тартибига қатъий риоя этиш;
- назорат тадбирларини ўтказишида амалдаги қонунчиликка оғишмай риоя этиш, текширишларга ваколатли ва холис мутахассисларни жалб қилиш;
- прокурор назорати ҳужжатларини тайёрлаш ва қўллашда қонунчилик талабларига сўзсиз амал қилиш;
- прокурор назорати ҳужжатларининг тегишли давлат идоралари ёки мансабдор шахслар томонидан қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилиши устидан назоратни кучайтириш ҳамда асоссиз ва сифатсиз назорат ҳужжатлари қўллаш ҳолатларига йўл қўймаслик чораларини кўришга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилган.

Шу ўринда қайд этиш керакки, прокуратура органлари ҳайъатларининг қарорлари ҳам қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятида қўлланиладиган прокурор ҳуқуқий воситаларининг муҳим ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Чунки, ҳайъат қарорлари асосида тегишли прокурорлар буйруқлар чиқариши мумкин[9].

Таъкидлаш жоизки, Бош прокуратура ҳайъат қарорларида қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятини ташкил этишда назорат тадбирларини пухта режалаштириш, юзаки ва номига текширув ўтказишига бархам бериш, прокурор назорати ҳужжатларининг сифати ва таъсирчанлигини таъминлаш, уларни асоссиз ва қонунга зид қўллаш ҳолатларига батамом чек қўйиш каби қатор талаблар қўйилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳайъатининг прокуратура органларининг 2024 йилнинг 1-ярмидаги фаолияти натижаларини муҳокама қилиш ва келгусидаги вазифларни белгилаш бўйича 2024 йил 19 июлда ўтказилган 1-сон мажлиси қарорида қонунчилик ижроси устидан назорат фаолиятини амалга оширишда аниқ мақсадга йўналтирилмаган, етарли самара ва натижага бермайдиган назорат тадбирларини ташкил қилиш, юзаки ва номига текширув ўтказиш, сифатсиз ва асоссиз таъсир чораларини

қўллаш ҳолатларини олдини олиш қатъий талаб этилган.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ҳайъатларининг қарорлари билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий асослардан яна бири – Бош прокуратура ҳайъатининг 2011 йил 27 июнданги 6-сон мажлиси қарори билан тасдиқланган “Прокурор назорати ҳужжатларини тайёрлаш ва қонун бузилишини бартараф этишда унинг самарадорлигини ошириш бўйича” Услубий қўлланма ҳисобланади.

Мазкур қўлланма прокурор назорати ҳужжатларини тайёрлаш ва қонун бузилишини бартараф этишда унинг самарадорлигини ошириш бўйича услубий тавсия ва талабларни ўз ичига олган бўлиб, унга биноан, прокурор назорати ҳужжатларига ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш, шунингдек қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб берадиган шартшароитларни бартараф этиш воситаси сифатида қаралиши зарур. Барча прокурор назорати ҳужжатлари битта мақсадга, яъни:

- қонун бузилишининг ҳақиқатдан бартараф этилишига эришиш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш ва қонунга зид бўлган ҳужжатни бекор қилиш;
- аниқланган қонун бузилишининг мазмунини тушунтириш;
- уларни бартараф этиш услублари бўйича аниқ тавсиялар бериш;
- айборд шахслар доирасини аниқлаш ва содир этилган қонунбузарликнинг хавфлилик даражасидан келиб чиқсан ҳолда уларнинг жавобгарлик (шу жумладан, моддий) масаласини белгилаш;
- профилактик таъсир ўтказиш ва жамоатчилик фикрини шакллантиришга йўналтирилган бўлиши керак.

Хулосасифатида шуни қайдэтиш жоизки, ҳуқуқий асослар муҳим ва долзарбаҳамиятга эга бўлиб, қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятида қўлланиладиган прокурор ҳуқуқий воситаларига оид прокуратура органлари учун умуммажбурий нормалар Ўзбекистон Республикасининг қонун ва қонуности ҳужжатлари, Бош прокуратурада хизматда фойдаланиладиган ҳужжатлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ҳайъатларининг қарорларида баён этилган;

биринчидан, қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятида қўлланиладиган прокурор ҳуқуқий воситаларига оид прокуратура органлари учун умуммажбурий нормалар Ўзбекистон Республикасининг қонунлариdir. Буборада Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”, “Сиёсий партиялар тўғрисида”, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”, “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” ва “Нодавлат-нотижорат ташкилотлар тўғрисида”ги қонунларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин бўлади;

иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг қонун ва қонуности ҳужжатлари билан бирга, Бош прокурор буйруқлари ва Бош прокуратура, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар ҳайъатларининг қарорлари ҳам қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятида қўлланиладиган прокурор ҳуқуқий воситаларининг ҳуқуқий асослари ҳисобланади;

тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида хизматда фойдаланиладиган ҳужжатлар сирасида киравчи кўрсатма, танбеҳ ва йўналтирувчи хатлар прокурор ҳуқуқий воситаларини тартибга солиша услубий ва амалий аҳамият касб этиб, уларда асосий ҳуқуқий воситалар: текшириш ўтказиш, прокурор назорати ҳужжатларини тайёрлаш ва қўллашда қонунчилик талабларига қатъий ва сўзсиз риоя қилиш ҳақидаги қатор талаблар ифодаланади. Мазкур ҳужжатлар прокурор назорати амалиётида аниқланган тизимли камчиликларни бартараф этиш, уларга келгусида йўл қўймаслик чораларини кўриш ҳамда соҳада прокурор назорати самарадорлиги ва

таъсирчанлигини янада ошириш мақсадини кўзлайди;

бешинчидан, хуқуқий асослар таҳлили шундан далолат берадики, миллий қонунчилик ва идоравий ҳужжатларда прокурор хуқуқий воситаларининг у ёки бу жиҳатларига оид нормалар қайд этилган бўлса-да, улар прокурор хуқуқий воситаларини ҳар томонлама ва тўлақонли тартибга сололмайди. Бу эса узоқ муддатли истиқболда (*1 йил ва ундан ортиқ*) прокурор хуқуқий воситаларини тартибга солишга қаратилган маҳсус қонун ёки Бош прокурорнинг алоҳида соҳавий буйруғи қабул қилинишини кун тартибига қўяди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни // URL: <https://lex.uz/uz/docs/106197>.
2. Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни // URL: <https://lex.uz/uz/docs/112170>.
3. Ўзбекистон Республикаси “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонуни // URL: <https://lex.uz/uz/docs/54191>.
4. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // URL: <https://lex.uz/uz/docs/97664>.
5. Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси // URL: <https://lex.uz/uz/docs/4386848>.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.02.2022 йилдаги “Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-138-сон Қарори // URL: <https://lex.uz/uz/docs/5870331>.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.05.2023 йилдаги “Ёқилғи-энергетика соҳасида давлат назорати механизмларини такомиллаштириш ва «рақамли энергоназорат» тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-77-сон Фармони // URL: <https://lex.uz/uz/docs/6472925>.
8. Дворецкий М.Ю. Приоритетные направления деятельности прокуратуры Российской Федерации при реализации правозащитных функций и обоснованному привлечению к ответственности // «Вестник ТГУ», 2015, №5 (145). – С. 203 // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/prioritetnye-napravleniya-deyatelnosti-prokuratury-rossiyskoy-federatsii-pri-realizatsii-pravozaschitnyx-funktsiy-i-obosnovannomu>.
9. Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни // URL: <https://lex.uz/uz/docs/106197>.